

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ТАСНИФИ

Каримов Жаҳонгир Шукур ўғли*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14849360>

Ички ишлар органлари аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида ички ишлар органларини жазоловчи, назорат қилувчи органдан халқ, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган тузилмага айлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар якуни бўйича жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга йўналтирилган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”¹, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун²лар ҳамда ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлашнинг мантиқий давоми сифатида “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун³и қабул қилинди. Ички ишлар органлари фаолиятини янада чуқурроқ ислоҳ этиш ва фаолиятни замон талабида ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш мақсадида, 2017 йил 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон⁴и эълон қилинди.

Ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналиши сифатида вояга етмаган ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш белгилаб қўйилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ички ишлар органлари фаолиятининг муҳим ҳуқуқий асоси ҳисобланган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни 2-моддасида ички ишлар органларининг асосий вазифалари баён этилган бўлиб, унда ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура тингловчиси.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 585-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда.

қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат⁵ эканлиги белгилаб берилган.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2016 йил 14 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида: «Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур»лигини⁶ таъкидлаган. Дарҳақиқат, жиноят содир этган шахсни ахлоқан тузатиш ҳамда у томонидан такрор жиноят содир этилишининг олдини олиш учун энг аввало жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек қилмишга яраша жазо тайинланилиши ёки бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддаси (Инсонпарварлик принципи)га⁷ асосан, жиноят содир этган шахсга давлат томонидан қўлланиладиган жиноий жазо тури содир этган қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлиги даражасидан келиб чиқиб⁸ суднинг ҳукми билан тайинланади.

Фикримизча, мамлакатимиз ҳаётида инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлардан энг йирик ва аҳамиятлиси бу суд-ҳуқуқ ислохотларидир. Бу жараёнда жиноят-ҳуқуқий соҳада жиноят қонунига киритилаётган ўзгартиришлар ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, амнистия ва ярашув институтларини қўллаш, пробация хизматини жорий этишнинг янада кенгайтирилганлиги катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 38 (746)-сон, 2016 йил 26 сентябрь.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ [Электрон манба]. Кириш йўли: <http://uza.uz/uz/posts/erkin-va-farovon-demokratik-zbekiston-davlatini-mard-valolizh-14-12-2016> (Мурожаат қилинган сана: 26.07.2022).

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/111453> (Мурожаат қилинган сана: 23.11.2020); Қаранг: *Салаев Н.С.* Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Т., 2017. – Б. 18.

⁸ *Пуминова А.А.* Исправительные работы: значение, проблемы применения / А.А.Пуминова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2017. — № 15 (149). — С. 300-302. — URL: <https://moluch.ru/archive/149/42049/> (дата обращения: 29.07.2022).

таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда.

Барчамизга маълумки, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, аввало, инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий негизига, аҳолининг жисмоний, руҳий ва маънавий таназзулга учрашига, яъни одамларнинг шахсий деградациясига, аҳолининг насл қолдириш қобилиятига ва келгуси авлоднинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бу иллат мамлакатимиздаги криминоген вазиятни оғирлаштиради, жиноятчиликнинг оммавий негизлари яратилишига, натижада уюшган жиноятчилик илдиз отишига олиб келади.

Буларнинг барчаси бугунги кунда гиёҳвандликка батамом барҳам бериш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа мутасадди органлар олдида кескин чоралар кўриш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш заруратини қўймоқда. Айниқса, судлар томонидан жиноий жазо чораларини тайинлашда алоҳида ёндашув ва содир этилган қилмишнинг жамият учун хавфлилик даражасига етарли баҳо бериш талаб этилади. Таъкидлаш жоизки, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш бўйича қонунчилик тизими мустақиллик йилларида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида такомиллаштирилди.

Бугунги кунда фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш жамият ҳаётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади, чунки соғлиқ инсон учун ҳаёт каби энг олий неъматдир. Соғлиқни муҳофаза қилиш тизими бевосита сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, илмий, тиббий ҳамда санитар-гигиеник каби йўналишлардаги комплекс чоратадбирлар орқали амалга оширилиб, ҳар бир инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилгандир. Шу муносабат билан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, соғлиғини муҳофаза қилишда ҳуқуқий чоралар муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг соғлиғига жиддий зарар етказадиган, жамият учун хавfli иллатлардан бири ҳисобланган гиёҳвандлик муаммоси сўнгги йилларда нафақат республикамиз, балки бутун дунё жамоатчилигини ҳам ташвишга солмоқда. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, мамлакатимиздаги криминоген вазиятга, жамиятимиз иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатади.

Бу турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавfliлик даражасининг ўсиб бораётганлиги ва аҳоли соғлиғини ҳимоя қилишнинг муҳимлиги мазкур жиноятларнинг зарурий белгиларини, уларни квалификация қилиш қоидаларини, ўхшаш бўлган жиноятлардан фарқли жиҳатларини батафсил таҳлил қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Гиёҳвандлик ижтимоий ҳодиса сифатида XX асрнинг 70-йиллари охирига келиб ёшлар орасида авж ола бошлади. Гиёҳвандликнинг ўзи нима? Гиёҳвандлик – юнонча “наркотикос” сўзидан олинган бўлиб, маъноси бир лаҳза бўлса-да ҳаёт ташвишларидан, муаммоларидан йироқлашиш ёки физиологик роҳатланиш хоҳиши, деган маънони билдиради. Гиёҳвандликка чалинган шахслардаги бўладиган салбий ўзгаришларга асосан гиёҳвандлик моддалар (наша, қора дори, героин, кўкнори, опиум, феномен ва бошқалар)ни истеъмол қилиб кўрганидан сўнг, бу моддаларни истеъмол этмасдан тура олмаслик унга ружу қўйишни, яъни физиологик ва психологик боғланиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан муомала қилиш тартиби “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август қонуни⁹ билан белгиланади. Мазкур қонунга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонуний муомалада бўлиши (олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш) тартибга солинган. Бироқ, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилиш жамиятимиз хавфсизлигига, инсонларнинг соғлиғига жиддий хавф туғдириши ҳаммага маълум.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат қилмишлар учун жавобгарлик амалдаги Жиноят кодекси¹⁰ Махсус қисми олтинчи бўлимнинг XIX бобида белгиланган. Жиноят қонунчилигида “гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар” тушунчаси мавжуд эмас, бироқ жиноят ҳуқуқи назариясида бу турдаги жиноятлар деганда, жиноят қонунида жазо қўллаш таҳдиди билан назарда тутилган, инсон соғлиғи билан боғлиқ жамоат хавфсизлигини, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан муомала қилиш тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи, айбли ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади. Мазкур жиноятларнинг турдош объекти бўлиб, инсонларнинг соғлиғи билан боғлиқ жамоат хавфсизлиги ҳисобланади.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг “Шахсга қарши жиноятлар” бўлимида жойлашган ва алоҳида (аниқ) шахсларнинг соғлиғини муҳофаза этадиган нормалардан фарқли ўлароқ ушбу бобдаги жиноятлар кўпчилик шахсларнинг ёки муайян ҳудуддаги бир қисм аҳолининг соғлиғига хавф туғдиради. Шунинг учун жабрланувчиларнинг ноаниқ кенг доираси бу турдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Қўрилаётган жиноятларнинг бевосита объектини аҳолининг соғлиғи ташкил қилади. Фақат гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлар Жиноят кодексининг 275-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти бўлиб ҳисобланади.

⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 144-модда.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни ҳуқуқий баҳолашда жиноят предметини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ушбу турдаги жиноятларнинг предмети бўлиб ҳисобланади. “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар” тушунчаси амалдаги Жиноят қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган. Унга кўра гиёҳвандлик воситалари деб, “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги БМТнинг 1961 йилги ягона конвенциясининг I ва II рўйхатларига киритилган табиий ёки сунъий тайёрланган ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари; психотроп моддалар деганда эса БМТнинг “Психотроп моддалар ҳақида”ги 1971 йилги конвенциясининг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий ёки синтетик модда ёхуд ҳар қандай табиий материал ҳисобланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 1999 йил 19 август қонуни¹¹нинг 3-моддасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қуйидагича таъриф берилган: гиёҳвандлик (наркотик) воситалари – гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар ва муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 12 ноябрь 330-сонли қарори¹²нинг 4 ва 5-иловаларида келтирилган; психотроп моддалар – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 12 ноябрь 330-сонли қарори¹³да келтирилган.

Кўрилатган аксарият жиноятларнинг объектив томони турли хил фаол ҳаракатларда намоён бўлади: тақиқланган экинларни етиштириш (ЖК 270-м.); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 271-м.); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (ЖК 273-м.); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш (ЖК 274-м.); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (ЖК 276-м.). Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан

¹¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда.

¹² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 46-сон, 584-модда.

¹³ Ўша манба.

фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖК 275-м.) каби жиноятлар ҳам ҳаракат ҳам ҳаракатсизлик орқали содир этилиши мумкин.

Таҳлил қилинаётган жиноятларнинг диспозициялари бланкет хусусиятга эгаллигини алоҳида эътироф этиш лозим. Яъни, айрим нормаларнинг жиноят таркиби белгиларини шакллантиришда қонун чиқарувчи томонидан муайян қоидаларни бузишнинг айнан қайси қилмишлар ташкил этиши аниқ кўрсатилмаганлиги (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) ёки моддалар диспозицияларида жиноят предметларининг аниқ рўйхати белгиланмаганлиги сабабли, жиноят предмети ва объектив томонининг хусусиятларини бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги норматив ҳужжатларга мурожаат қилмасдан аниқлаш мумкин эмас.

Яъни мазкур жиноятлар норманинг диспозициясида кўрсатилган қилмишлар содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Қонун мазмунига кўра, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг кўп бўлмаган, озгинадан кўп ва кўп миқдорлари билан қонунга хилоф равишда муомала қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ноқонуний муомалада аниқланган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг номи ва миқдорлари наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясининг 2015 йил 26 майдаги 12/15-сонли қарори¹⁴ билан тасдиқланган “Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорлари” да белгиланган (2-илова). Кўрилатган жиноятларнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан ифодаланади.

Яъни жиноят содир этаётган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англайди ва шундай қилмишни содир этишни истайди. Фақатгина гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жинояти субъектив томондан ҳам қасд, ҳам эҳтиётсизлик орқали содир этилиши мумкин. Ушбу жиноятларнинг мотив ва мақсадлари турлича бўлиши мумкин ва қилмишларнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Бироқ, Жиноят кодексининг 273-моддасида назарда тутилган жиноятда жиноят содир этиш мақсади (ўтказиш мақсади) зарурий белги сифатида диспозицияда кўрсатилган бўлиб, бу турдаги қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга. Ўн олти ёшга тўлган, ақли расо, жисмоний шахслар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг субъекти бўлиб ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 271-моддасида (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш) назарда тутилган жиноят учун жавобгарлик ўн тўрт ёшдан белгиланган. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (275-м.) жинояти учун махсус субъект, яъни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 13-сон, 122-модда.

белгиланган қоидаларига риоя этиш мажбурияти юклатилган ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни¹⁵ ва “Наркотик моддаларнинг суиистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2016 – 2020 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури”нинг ижросини таъминлаш, ёшлар орасида гиёҳвандлик ва наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйиш мақсадида, ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда “Ёшлар орасида наркотик воситаларининг тарқатилишига қарши кураш” тезкор-профилактик тадбирлар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

Тадбир давомида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча олий таълим, ўрта махсус билим юртлиари, коллеж ва лицейлар ҳамда ўрта умумтаълим мактабларда “Биз гиёҳвандликка қаршимиз” мавзусидаги профилактик характердаги маърузалар қилинмоқда. Шу каби учрашув, давра суҳбатлари ишчи ва хизматчиларнинг аксарияти ёшларни ташкил қилган корхона, муассаса, ташкилот ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказилди.

Мазкур учрашув, давра суҳбатларида Ички ишлар вазирлиги Наркотрафик ва гиёҳванд моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш бошқармаси ва Матбуот маркази ходимлари томонидан ҳамкорликда тайёрланган махсус видеофильм ва роликлардан фойдаланилиб келинмоқда. Давлат дастури ва ИИВ йиллик чора-тадбирлар режасининг ижросини таъминлаш мақсадида, республикамиз ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда наркотрафикни йўлини тўсиш, гиёҳванд моддалар билан боғлиқ ноқонуний фаолиятни аниқлаб фош этиш, таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликлар экилган майдонларни йўқ қилиш ва наркомания тарқалишининг олдини олиш борасида ҳар йили икки босқичда “Қора дори” кенг қамровли тадбири самарали ўтказилмоқда. “Қора дори” кенг қамровли тадбирининг биринчи босқичи 1 майдан 30 июнга қадар, иккинчи босқичи эса 1 августдан 30 сентябргача ўтказилади.

Шунингдек, ҳар йили 1 ноябрдан 30 ноябрга қадар ИИВ, Прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Солиқ қўмитаси, ҳокимият ва тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда Республика миқёсида “Таркибида наркотик ва психотроп моддалари бўлган дори-дармонларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш” тадбири самарали ўтказилиб келинмоқда. Мазкур тадбирни ўтказиш давомида асосий эътибор, энг аввало, ушбу турдаги дори воситаларини Республикага четдан контрабанда йўли билан олиб кириш ва тарқатиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Дори-дармон акциядорлик бирлашмаси тизимлари, наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи корхоналар (юримдик шахслар) ходимлари, қонунга хилоф равишда фаолият кўрсатаётган “Қора бозорлар”да ва бошқа

¹⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда.

объектларда жисмоний шахслар томонидан фармацевтик препаратлар ҳамда давлат ҳисобидаги дори-дармонларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш ва фош этишга қаратилади.

Ҳар бир маҳаллада, аҳоли истиқомат қилувчи жойларда, қишлоқ ва овулларда юзага келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда аҳоли орасидан ўзи истиқомат қилаётган ҳудудда осойишталикни таъминлаш ва сиёсий- ижтимоий вазиятни барқарорлаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам бериш истагини билдирган, маънавий пок, соғлом фикрли кўнгиллилар аниқланиб профилактика инспекторларининг ёрдамчилари лавозимига туман ИИБ бошлиқларининг тавсиясига биноан Вилоят ИИБ бошлиқлари лавозимга тайинлайди.

Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилувчи жамоат бирлашмаларидан бири хотин-қизлар кўмитасидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жорий этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар хотин-қизлар, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни амалга ошириш учун мактаб, боғча муассасалари маъмурияти, касаба ва ёшлар уюшмалари, спорт соғломлаштириш ва бошқа ташкилотлар билан узвий ҳамкорликда иш ташкил этиб, диний экстремизм ва ақидапарстликнинг мамлакатимиздаги осойишта ҳаёт ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган, ғайриинсоний, зарarli ғояларнинг жамиятда тарқалишига қарши курашиш, профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда хотин-қизлар, вояга етмаганлар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш бўйича тегишли профилактик ишларни амалга оширади¹⁶.

Фикримизча, қонунларда жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланганлигига қарамасдан гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ва у билан савдо қилувчилар сонининг тобора кўпайиб бораётганлиги сабабларидан бири, гиёҳвандлик воситаларининг савдоси жуда катта бойлик орттириш имкониятига эгалигидадир. Айниқса, гиёҳвандлик воситаларидан жабр кўраётганларнинг кўпчилик қисмини жамият келажаги бўлмиш ёшлар ташкил этаётганлиги ачинарлидир. Боз устига гиёҳвандлик воситалари нафақат инсон соғлиғига, балки унинг энг кучли қуроли бўлмиш онгига ҳам зарар етказиши ҳамда бунинг натижасида шахс аста-секинлик билан инсонийлик қиёфасини йўқота бошлайди.

Хулоса ўрнида айтиш мукинки, мамлакатимизда фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш жамият ҳаётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади, чунки соғлиқ инсон учун ҳаёт каби энг олий неъматдир. Соғлиқни муҳофаза қилиш тизими бевосита сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, илмий, тиббий ҳамда санитар-гигиеник каби йўналишлардаги комплекс чоратадбирлар орқали амалга оширилиб, ҳар бир инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилгандир. Наркотик моддаларнинг жадаллик билан кенг

¹⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарори.

тарқалишининг сабаби, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмолига нисбатан тобеликнинг вужудга келиши ҳолати ҳисобланади.

Бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ноқонуний айланмасининг олдини олиш, унга қарши кураш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган кечиктириб бўлмас долзарб вазифалардан биридир, чунки ушбу моддаларнинг ноқонуний айланмаси, ундан келиб тушадиган маблағлар нопок одамлар (жиноий унсурлар) нинг қуролига айланиб бормоқда. Айнан шу маблағлар эвазига террорчилар турли-туман қуроллар сотиб олиш, жанггариларни ёллаш, айрим давлатлар ҳудудларида жойлашган базаларда, уларни ўта хавfli террорчилик ҳаракатлари ва қўпоровчилик жиноятларини содир этишга тайёрлаш билан шуғулланмоқдалар.

Бу жиноий унсурлар ўз экстремистик ғояларини тарғиб этишлари ва фаолият кўрсатишларига қаршилик қилаётган давлатга, жумладан Ўзбекистон Республикасининг тинчлигига хавф солмоқда. Ўзбекистон Республикасининг олиб бораётган эркин демократик давлат қуриш йўлидаги ислоҳотлари биринчи навбатда жамият аъзоларининг тинчлигини таъминлаш, уларнинг эркин яшаш шароитини яхшилашга қаратилган. Шу мақсаддан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаронинг маънавияти ва дунёқарашини янги давр талаблари асосида шакллантириш ҳамда шахс маънавиятида юзага келадиган турли иллатларни юзага келтирмаслигини таъминлаш ҳам давлат сиёсатида алоҳида эътиборга олинган.